



ҲАЛДУН ТАНЕР ВА ЭРКИН АЪЗАМ ДРАМАЛАРИДА УСЛУБИЙ ЎЗИГА ХОСЛИКЛАР

*Қаюмова Мехринисо Мирахматовна,
ТошДШУ катта ўқитувчиси*

Калит сўзлар: турк драматургияси, ўзбек драматургияси, қиёсий таҳлил, драматик жанр, қаҳрамон, сахна, кабаре театри, адабий таҳлил.

XX асрнинг иккинчи ярмида замонавий турк драматургиясида адабий анъаналар жадал давом этиши билан бирга янгича шаклий изланишлар ҳам кўзга ташлана бошлади. Хусусан, мақолада замонавий турк драматургиясининг ривожига ўз ҳиссасини қўшган, бу жанрда Европа услуги ва миллий анъаналарни уйғунлаштириб комедик асарлар яратган, томошабинлар эътирофига сазовор бўлган истеъдодли ва серқирра ижодкор Ҳалдун Танер ва ўзбек адабиётининг забардаст ёзувчиларидан бири, моҳир драматург Эркин Аъзамнинг драматик асарларини қиёсий тадқиқ этиш мақсад қилинган. Уларнинг услуги, қаҳрамон яратишдаги ўхшашлик ва муштаракликларни қиёсий таҳлил асосида ўрганар эканмиз, таҳлил аввалида ижодкорларнинг ҳаёти ва ижоди ҳақида қисқача маълумот бериб ўтамыз.

Ўзбек ёзувчиси Эркин Аъзам 1950 йилда Сурхондарё вилоятининг Бойсун туманида таваллуд топган. У 1967 йили тумандаги 1-ўрта мактабни тамомлаган. Шу йили Тошкент Давлат университетининг журналистика факультетига ўқишга кириб, уни 1972 йилда тугатган. Адиб аввал Ўзбекистон радиосида муҳаррир (1972-1976), ундан сўнг «Гулистон» ойномасида бўлим муҳаррири, адабий котиб вазифаларида ишлаб (1976-1981), қаламини чархлади. 1981 йилдан 1986 йилгача «Ёшлик» журнаliga ишга ўтиб, Эркин Воҳидов раҳбарлигида журналнинг шаклланишига, ўз мухлисини топишига жонбозлик кўрсатди. Проза бўлимини бошқарган ёш адиб ўз ижоди такомили билан бирга янги талантли ижодкорларнинг пайдо бўлиб, оёққа туришида муносиб ҳисса қўшди. 1986-1992 йиллар давомида ижодкор

Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриётида кўп жилдли асарлар таҳририятига мудирлик қилиб, атоқли ўзбек адибларининг асарлари, сайланмаларини чоп этишда ўзининг муносиб ҳиссасини қўшди.

Адибнинг илк ҳикояси унинг ўқувчилик йилларида яратилган, вилоят рўзномасида босилган. Бироқ талабчан ижодкор университетни тугаллагандан кейин ҳам анча йиллар китоб чоп эттиришга шошилмади. 1977 йилда Эркин Аъзамнинг «Чироқлар ўчмаган кеча» номли дастлабки ҳикоялар тўплами босилиб чиқди. Бу мўъжаз китобча ўқувчиларга ўзбек адабиётида янги бир истеъдодли ҳикоянавис дунёга келганлигидан хабар берди. 1981 йилда чоп этилган «Отойининг туғилган йили» қисса ва ҳикоялар тўплами китобхон ишончини мустаҳкамлади. Биринчи кичик қиссаси билан адиб ўзининг лирик тасвир услубидан ташқари ҳаётий, серзавқ, юмористик бадиий ифодага мойиллигини ҳам намойиш қилди. Шундан сўнг истеъдодли адибнинг «Олам ям-яшил» (1984), «Жавоб» (1986), «Байрамдан бошқа кунлар» (1988), «Пакананинг ошиқ кўнгли» (2001), «Кечикаётган одам» (2002), «Мир весь в цветах» (1989) каби бир қатор қисса ва ҳикоялар тўпламлари босмадан чиқди. Адибнинг сўнгги йилларда ёзилган «Жаннат ўзи қайдадир», «Фаррош кампирнинг туши» номли драматик асарлари ўзбек китобхонлари юрагидан алоҳида жой олган. Бу асарларда замондошларимиз ҳаётдан ҳикоя қилиниб, ахлоқ, эътиқод, бурч, оддий инсоний муносабатлар ўзига хос услубда бадиий акс эттирилади. Эркин Аъзам прозаси Абдулла Қаҳҳор, Шукур



Холмирзаев ижодий намуналари каби лўнда ва тўла ифодаси, шафқатсиз реализми ва профессионал маҳорати билан бошқа ёзувчилар асарларидан кескин ажралиб туради. Ёзувчи «Чантриморе», «Пиёда», «Пакана», «Дилхирож», «Эркак» каби экран асарларининг ҳаммуаллифидир.

Эркин Аъзам хикоя ва қиссалари рус, украин, белорус, қозоқ, тожик, туркман, грузин, булғор, чех тилларига таржима қилинган. Адибнинг ўзи ҳам ўзга халқлар адиблари асарларини рус тилидан ўзбек тилига маҳорат билан таржима қилган. Адибнинг «Анойининг жайдари олмаси» хикояси асосида бадиий фильм суратга олинган. Хикоялари радиопостановка қилинган. Эркин Аъзам айни ижодий камолот ёшида илҳом билан ижод қилмоқда.

Жумладан, XX аср турк адабиётининг таниқли намояндаларидан бири Ҳалдун Танер эса турк драматургиясининг ривожига улкан ҳисса қўшган ва уни дунёга танитган ёрқин сиймолардан бири ҳисобланади. Туркия, Германия, Австрия давлатларида адабиётшунослик, журналистика, санъат ва театр тарихи соҳаларида изланиш ва тадқиқот ишларини олиб борган ёзувчи ўзидан жуда бой адабий мерос қолдириш билан бирга, турк драматургиясида улкан бурилиш ясаган ёзувчи ҳисобланади. У машҳур немис драматурги Бертольд Брехт таъсири остида турк драматургиясига “эпик театр” тушунчасини олиб кирган ва шу жанрда ёзган сахна асарлари билан шуҳрат қозонган драматургдир. Ўз асарларида турк миллий анъанавий театри ва ғарб театрини уйғунлаштира олган моҳир ёзувчи Ҳалдун Танер турк драматургиясини дунёга танитишда ҳисса қўшган адиб ҳисобланади.

“Ҳалдун Танер - Бертольд Брехтнинг тизимли равишда очиб берган эпик театрини ўзлаштирган ва маданиятимизга муваффақиятли татбиқ этганларнинг етакчисидир. Ҳалдун Танернинг турк драматургиясига эпик театр сифатида олиб кирган янгиликларидан бири кабаре театри ҳисобланади. Танер кабаре театрини эпик

тушунча билан уйғунлаштириб кўплаб асарлар яратди,”¹⁶-деб таъкидлайди Анил Тулу.

Ҳалдун Танер 1915 йил 16 мартда Истанбулда туғилди. Бошланғич ва ўрта таълимни Галатасарой лицейида олди (1935). Лицейни тугатгач, давлат гранти асосида Германиядаги Ҳайделберг университетининг иқтисодий ва сиёсий билимлар факультетида таҳсил олди (1938). У сиёсатшунослик сабоқларини ҳам олади. Бу даврда Германияда Гитлер диктатураси ҳукмронлик қилмоқда эди. Ҳалдун Танер баъзи хикояларида бу ерда бошидан кечирган воқеалар ҳақида баён этиб беради. “Адабиётга бўлган бутун муҳаббатига қарамай, Ҳалдун Танер келажакдаги касбини танлашда отасининг изидан боришга қарор қилди. Шу сабабли у адабиётдан йироқда бўлган фалсафа, риёзат, давлат қонунлари, геосиёсат ва ижтимоий сиёсат каби соҳаларга эътиборини қаратди.”¹⁷

Германияда уч йил яшаган Танер сил касаллигига учраб, 1938 йилда Истанбулга қайтиб келади.

“Отасининг қариндоши доктор Муфиде Кюлей ҳеч қачон уни ёлғиз қолдирмасди. Ҳалдун учун уй деворлари орасида тўрт йил давомида ўтказилган касаллик кунларининг ягона ютуғи - ўқиган юзлаб китоблари ва ёзувчиликка уринишлари бўлди. Унинг қарори қатъий, энди у ёзувчи бўлишни хоҳларди.”¹⁸

Ушбу қарор туфайли у аввалги таълимини ташлаб, Истанбул университетининг немис тили ва адабиёти факультетида ўқишга кирди (1943). “Немис филологиясидан ташқари у санъат тарихи ва туркология бўлимларини ҳам тугатди (1950).”¹⁹

¹⁶ Tulu, Anil. Haldun Taner'in Vatan Kurtaran Şaban Adlı Kabare Oyunu ve Epik Tiyatro. Yüksek Lisans Tezi. İstanbul Kültür Üniversitesi Sosyal Bilimler Enstitüsü. İstanbul-2017, s.130.

¹⁷ Yalçın, Sıddıka Dilek, (1995), Haldun Taner'in Hikâyeleri ve Hikâyeciliği, Bilgi Yayınevi, Ankara, s.22-23.

¹⁸ Taner, Demet, (1996), Canlar Ölesi Değil, Sel Yay., İstanbul, s.123-124.

¹⁹ Miyasoğlu, Mustafa, (1988), Haldun Taner, Kültür Bakanlığı Yayınları, Ankara, s.2.



1955-1957 йилларда Вена университетидида фалсафа ва театр соҳаларида таълим олади. У Истанбул университетидида адабиёт ва санъат тарихи, Анқара университетидида эса театр тарихи фанларидан сабоқ берди.

Драматург Ҳалдун Танер 1986 йил 7 мартда Истанбулда вафот этди. Унинг илк ҳикояси “Yedigün” журналида 1944 йилда Ҳалдун Яғжиўғли таҳаллуси билан эълон қилинган “Тухмат” ҳикоясидир. “Ülkü”, “Yücel”, “Yedigün”, “Varlık”, “Küçük Dergi” сингари журналларда ҳикоялари нашр этиб борилди. 1952 йилда дўстлари билан “Küçük Dergi” журналин и чикарган Ҳалдун Танер “Tercüman”, “Milliyet” газеталарида очерклар; “Yeni Sabah” ва “Yeni İstanbul” газеталарида маънавий мавзуларда мақолалар ёзиб борди. Ёзувчининг “Яшасин демократия” (1949), “Туш” (1951), “Шишхонага ёмғир ёғарди” (1953), “Ой нуридаги шовқин” (1954), “Ўн иккига бир дақиқа қолди” (1954), “Кўнчинлар” (1967), “Санчонинг тонгги сайрлари” (1969), “Қизил сочи амазонка” (1970), “Соҳилда тонг” (1983) сингари ҳикоя тўпламлари чоп этилган.

Драматург жами 12 та драма ва 13 та кабаре театри учун пьеса ёзган бўлиб, уларнинг барчаси саҳналаштирилган.²⁰ Ҳалдун Танер асарлари рус, инглиз, немис, чех, югослав, козок, озарбайжон, грузин тилларига таржима қилинган.

Драматургнинг “Keşanlı Ali Destanı” (“Кешанлик Али достони”), “Gözlerimi Karagım Vazifemi Yaragım” (“Кўзларимни юмиб, вазифамни адо этаман”, 1964), “Zilli Zarife” (“Шаддод Зарифа”, 1966), “Sersem Kocanın Kurnaz Karısı” (“Бефаросат эрнинг айёр хотини”, 1971), “Ayışığında Şamata” (“Ой нуридаги шовқин”, 1977) сингари пьесалари дунё томошабинлари кўнглидан жой олган.

Ҳалдун Танер ва Эркин Аъзамнинг ижод йўлига назар ташлайдиган бўлсак, уларнинг иқтисодий-сиёсий

дунёқарашининг кенглиги, бир қанча чет тилларини мукамал, яъни ижодида қўллай оладиган даражада билиши, юқори журналистик қобилиятга эга серкирра ижодкор эканлигини кўришимиз мумкин.

Ижодкорлар яшаб ижод этган давр хусусида тўхталадиган бўлсак, Ҳалдун Танер Туркия Жумҳурияти эълон қилинган илк даврда яшаган. 1950 йиллар Туркияда сиёсий ва ижтимоий ўзгаришлар оғир кечгани, бунга параллель равишда адабиётда ҳам ўтмиш билан ҳисоблашиш, Ғарб таъсири остида янгилашиш жараёни кузатилади. Ҳалдун Танер асарларида ижтимоий ўзгаришларга ҳам катта аҳамият қаратган. Ижодкор ижтимоий, сиёсий, иқтисодий қонунларга параллель тарзда ўзгарган турк жамиятининг ҳолатини акс эттиради. Ёзувчи бу ўзгаришнинг турк жамиятида юзага келтирган турли салбий ҳолатлари ҳақида маълумот беради. Ғарб маданияти ва санъатининг бундай ўзгариши қандай кечган, деган саволга жавоб қидиради ва бу ўзгариш асносида оқсаган жихатларни ҳажвий йўл билан танқид қилади.

Эркин Аъзам Ўзбекистоннинг Совет Иттифоқи таркибида бўлган даврни ва республикамиз мустақилликка эришган илк йилларда кечирган оғир иқтисодий-ижтимоий даврни ўз бошидан ўтказган бўлиб, асарларида эски тузумдан қолган иллатлар, баъзи одамлар онгидаги эскича фикрлаш ва унинг оқибатларини киноявий тасвирлар орқали ифодалайди. У бугунги одамнинг ҳаёти ва ундаги муаммоларни ўзига хос йўсинда тасвирлайди. Адибнинг йиллар давомида сайқал топган ижодий услуби ҳаётини реаллик асосида шаклланди. Унинг буюк ижодкорлардан тортиб, мардикоргача бўлган доирадаги қаҳрамонлари ўта жонли тасвирланади. Ёзувчининг адабий қаҳрамон яратиш маҳорати ҳақида адабиётшунос Қ.Йўлдошев: “Э.Аъзамнинг маҳорати шундаки, у ташқаридан қараганда ҳаммаси ҳам қиёфасиз бўлган қаҳрамонларнинг ҳар бирига хос жихатларни ғоят усталик билан акс эттира олган. Мана шу жихат уларнинг қиёфасиз қиёфасини кўрсатишга хизмат

²⁰ Yüksel, Ayşegül “Haldun Taner Tiyatrosu”, İstanbul, Bilgi Yayınevi, 1986, s.27



килган”,– деб ёзади ²¹. Дарҳақиқат, ижодкорнинг аксарият хикояларида “киёфасизларнинг кийёфаси” эса қоладиган қилиб тасвирланганини кўриш мумкин.

Шунингдек, иккала ёзувчи драмаларида ҳам тасвирланган қаҳрамонлар ҳаётда кўпни кўрган, турли синовлардан ўтган, ҳар хил тоифадаги инсонлар гуруҳини ташкил этади.

Ҳалдун Танерни Туркияга ва дунёга кабар театри ёзувчиси сифатида танитган асар, унинг илк кабар учун ёзилган икки парда ўн саккиз кўринишли пьесаси “Ватанни қутқарган Шабан” (“Vatan Kurtaran Şaban”) (1967) ҳисобланади. Ҳалдун Танер ва кабар театри хусусида Т.Шевченко номли Киев миллий университети туркология кафедраси доценти И.В.Прушковская шундай фикр билдиради: “Миллий театр ва замонавий дунё драматургиясининг уйғунлашуви турк драматургиясида сиёсий драма жанрининг юзага келиш спецификасини белгилайди. XX асрнинг 60-йилларида Ҳалдун Танер бошчилигида “Туякуш” номли кабар театрига асос солинди. Бу театрда янги жанрдаги пьесалар сахналаштирилди эди: шаклан–ҳалқ ўйини, мазмунан– сиёсий ва ижтимоий воқеликдаги унсурлар устидан аччиқ кулиш. Шу тариқа 60-йилларда Бертольд Брехтнинг “эпик театр” назарияси ва янги театр шакллари излаш турк драматургларининг халқ драмаси анъаналарига қизиқишини кучайтирди.”²²

Илк бор 1 октябрь 1967 йилда Четин Ипеккая томонидан сахналаштирилган бу мусиқий пьеса яна тўрт юз қирқ тўққиз марта сахна юзини кўрган. Шунинг учун ҳам бу асар турк томошабинлари онгида кабар пьесаларининг энг ёрқин намунаси сифатида гавдаланади.

“Ватанни қутқарган Шабан” ..., эпик театрнинг бегоналаштириш, сўроқ қилиш, кўнгил очиш ва уйғотиш каби кўплаб хусусиятларини ўзида мужассам қилган сахна асаридир. 1964 йилда Ҳалдун Танер бошчилигида асос солинган “Туякуш кабар театрининг биринчи спектакли бўлган бу спектакль, кадастр ходими бўлатуриб, бирдан ўзини маданий ишлар бўйича бош маслаҳатчи сифатида кўрган Шабан афандининг маданият билан алоқасини кулгили ва сатирик тил билан кўрсатиб берган пьесади.”²³

Одатда, ҳар бир асарнинг асосий мазмуни ва ғояси асосан бош қаҳрамоннинг кийёфасида мужассамлашади. Ҳалдун Танер ва Эркин Аъзам драмаларидаги бош қаҳрамонлар ҳам муштарак мазмун, муштарак ғоя асосида туғилгани кўринади. Қаҳрамонлар руҳиятида кечаётган ички кечинмалар тасвири бир-бирига ўхшаш кийёфаларда намоён бўлади. Хусусан, Ҳалдун Танер ва Эркин Аъзам ижодида ҳам раҳбар ходим образининг ёрқин тасвири акс эттирилади. Асарларда муаллифлар юқори мансабдаги шахс образининг характерига хос хусусиятларни секин-асталик билан ёритиб борадилар. Айтмоқчи бўлган фикрларини бу образ воситасида ифодалайдилар.

Ҳалдун Танер ўз драмаларида раҳбар образини икки хил ёритган: “Кун одами” (“Günün Adamı”) номли тўрт пардали илк драмасида зиёли, масъулиятли, виждонли, ҳалол инсон бўлган профессорнинг вазирлик лавозимидаги фаолиятини ижобий томондан ёритиб берган бўлса, “Ватанни қутқарган Шабан” (“Vatan Kurtaran Şaban”) номли кабар учун пьесасида билимсиз, онги паст, номутахассис раҳбар ходимни маданият ишлари бўйича бош маслаҳатчи Меҳмет Шабан образи орқали очиб беради.

Иккала драма ҳам раҳбар ходимнинг вазифасидан озод этилиши билан тугайди: “Кун одами” асарида профессор ноҳақликларга чидолмай, ўз жонига қасд

²¹Йўлдошев Қ. Ёник сўз. –Т.: “Янги аср авлоди”. 2006. 121-б.

²² Прушковская И.В. История развития турецкой авторской драмы (Республиканский период до 1980 г.), Киевский национальный университет имени Тараса Шевченко, 2014, 29-стр.

²³Tulu, Anil.Haldun Taner'in Vatan Kurtaran Şaban Adlı Kabare Oyunu ve Epik Tiyatro. Yüksek Lisans Tezi. İstanbul Kültür Üniversitesi Sosyal Bilimler Enstitüsü. İstanbul-2017, s.131.



килса, “Ватанни кутқарган Шабан” асарида эса, лавозимни орзу қилаётган бошқа шахслар томонидан қилинган тухмат туфайли бўшатилади.

Оддий тасодиф туфайли, бетоб қўшнисининг ўрнига “Оққуш” балетига бориб, у ерда бош вазирликда ишлайдиган эски дўсти Қутбиддин бейни учратган Шабан аслида кадастрда ишлайди. Қутбиддин бей, маданият ишлари бўйича бош маслаҳатчи лавозимига муносиб номзод кидирилаётганлиги (икки муносиб номзод бор, лекин, бош вазир уларнинг ҳеч бирининг кўнглини ранжитгиси келмаганлиги учун, ташқаридан учинчи номзод кидирилмоқда) туфайли ўз дўстини балет томоша қилгани келгани учун шу лавозимга таклиф этади ва Шабан тез кунда ушбу лавозимни эгаллайди.

Мутахассислиги умуман тўғри келмаган шахс катта лавозимни эгаллаб, ёрдамчиси Миста бей билан бирга маданият соҳасида “реформалар” қила бошлайди. Бош қаҳрамон Шабан консерватория, театр, кино, балет, опера, кутубхона, музейлар фаолиятини ўрганиб, ўзи тушунмаган бу соҳаларда тубдан бурилиш яшашга ҳаракат қилади.

Шабанга ўхшаш раҳбар образининг ички қиёфаси ўзбек ёзувчиси Эркин Аъзамнинг “Фаррош кампирнинг туши” (2011) номли икки қисм, саккиз пардали пьесасида бош қаҳрамон Раҳбар Раҳбарович образи орқали очиб берилган. У ҳам амалпараст, ишига масъулият билан ёндашмайдиган, шахсий манфаатини давлат манфаатидан устун қўядиган, ишига нисбатан лоқайдлик билан қарайдиган шахс сифатида кўрсатилган. Иккала асарда ҳам бош қаҳрамонлар таниш-билиш орқали лавозимга эришади.

Иккала драмада ҳам янги тайинланган раҳбар ходимнинг билим савияси пастлиги, онгсизлиги, эгаллаган лавозимига нолайиклиги кўрсатилади. Хусусан, Шабаннинг мусикадаги оддий ноталар номини билмай, “соль” нотасини турк тилида “чап” деган маънони билдиргани учун “сағ” (турк тилида “ўнг” маъносида) номига алмаштиришга мажбур қилиши, тўрт ижрочи томонидан ижро

этиладиган кватретни бир чолғучига чалдирмоқчи бўлгани, машхур мумтоз ёзувчиларни, ҳатто Шекспирни танимаслиги, унинг асарларини билмаслиги, юнон мифлари қаҳрамонларини, машхур композиторлар номини ҳам билмаслиги аччиқ кулгига олинган. Шабан театрни тафтиш қилиш учун борганида, қуйидаги суҳбатнинг гувоҳи бўламиз:

MISTA — Senaryosunu kim yazdı?

REJİSÖR — Villiam Şekspir.

MISTA — Harşırık gibi bir isim.

REJİSÖR — Tabii tanırız.

MISTA — Robert Kolejde hoca değil mi?

REJİSÖR — Yok efendim.

MISTA — Bildim İngiliz kültür heyetinde.

ŞABAN — Ne münasebet Mısta bey. (Heykelini gösterir.)

REJİSÖR — İşte bu adam.

ŞABAN — Bu Şekispiyer halen nırde?

REJİSÖR — Ölmüş.

ŞABAN — Vah vah acıdım.

REJİSÖR — Yeni değil, dört yüzyıl önce.

ŞABAN — Na öyleyse zarar yok.²⁴

Шабан ўзи билмаган шоир ва ёзувчиларнинг ижодини, юнон мифологиясини ўрганишни тақиқлаб, турли баҳоналар уйдириб, мактаб дарсликларидан олиб ташлаш қарорини ҳам кенгаш муҳокамасига киритади:

ŞABAN — Gabul edilmiştir. Oku Mısta Bey.

MISTA — Tektarı inanışını ihlal eden Yunan icadı ve gomonist mitologyanın bütün eserlerden okul kitaplarından çıkartılıp ehli imanın teşevvüşe uğratılmasının önüne geçilmesine.

ÜYELER KOROSU — Münasip olur, münasip olur.

ŞABAN — Gabul edilmiştir. Oku Mısta Bey.

MISTA — Ve de yine okul ve tarih kitaplarında sık sık adı geçen şu zevatın aşağıdakıredilen suçlarından ötürü mezkûr

²⁴Taner, Haldun, Vatan Kurtaran Şaban, İstanbul, Bilgi Yayınevi, 1989, s.79.



kitaplardan ve müfredat programlarından çıkarılmasına, Safö sevicisi olup bunu yaydığı için, Sokrates solcu olduğu ve gençliğin ahlakını ifsad ettiği ve de homoseksüel olduğu için, petrarca klorofil, pardon, Nekrofil olduğu, Villon serseri, Volter Bektaş, Dante sabi sübyan düşmanı, Jan Dark üfürükçü büyücü olduğu ve 312. madde mevzuuna girdiği yani sınıfları sınıflara karşı tahrik ettiği, Simavna Kadısı Bedrettin toplu yürüyüş kanununu ihlal ettiği için.

ÜYELER KOROSU — Münasiptir, münasiptir.

ŞABAN — Gabul edilmiştir. Oku Mısta Bey, oku.²⁵

Шунингдек, Эркин Аъзам раҳбарнинг билимсизлиги ва онги пастлигини драманинг бир қанча эпизодларида кўрсатади. Эркин Аъзам “бекорчихона” деб номлаган муассаса раҳбари иш вақтида ўзи танимайдиган бирининг никоҳ ошига бутун коллективи билан бориб юради:

Бўлим бошлиғи. Э, ўйламанг, ака! Кўчсак кўчармиз, қолсак қолармиз, шунга ташвишми? Кунингнинг бир куни қолгунча ош е, пулингнинг бир тини қолгунча ош е, дебдилар. Туринг, ака!

Раҳбар Раҳбарович. Ие, шундай бўлдимми? (*У бўйин боғини тўғрилай-тўғрилай ўрnidан қўзғалади.*)²⁶

“Фаррош кампирнинг туши” драмасида фаррошнинг тушида ишхонанинг кўчишини кўрганлигини ходимларнинг бирига айтиб бергани туфайли шов-шув кўтарилиб, раҳбар бошчилигида ҳамма ходимлар давлат мулкани талон-тарож қилиши кўрсатилади:

Умумий мажлис, аниқроғи— буюм-ашё талашув.

Ҳисобчи (*столга шапатилаб*). Кийимилгич— меники, тамом!

Иқтисодчи. Ва-ай! Столни ўзиники қилди-ку, бўлди-да! Инсоф ҳам керакдир одамга. Кийимилгични менга берасиз,

Раҳбар Раҳбарович, норка шубамни осиб қўяман. Бир-бирига мос, подцвет!

Раҳбар Раҳбарович (*мурасага чорлаб*). Ҳай-хай, қўйинглар, шугина қолсин, шугина!

Ҳисобчи. Янги жойда ҳамма нарса янги бўлиши керак-да, Раҳбар Раҳбарович! Оламиз, пул бор сўтда!

Раҳбар Раҳбарович. Хўш, анови диванни нима қилдик? Шуни бўлим бошлиғимизга атаб юборсак нима дейсизлар? Ҳар ҳолда, кўпйил ишлаган бу даргоҳда, тажрибали... Айтгандай, ўзлари кўринмайди?

Бош мутахассис. Боши оғриб қопти, ҳали бобой билан қўш мазор бўлди.

Мутахассис. Диванни у кишига берсак, шопиримиз кейин қаерда ётади?

Ҳайдовчи (*илқис қўзғалиб*). Тўғри! Мен кейин қаерда ётаман?

Ҳисобчи (*тагин ниши уриб*). Машинаси-чи, машинада ётса ўлмас!

Ҳайдовчи. Қиз-пизингизникига энди ўзингиз бораверасиз! Каттахолангизникига ҳам! Яёв-пиёда!

Ҳисобчи (*пашиша ҳайдагандек қўл силтаб*). Э, ўчир! Ёлдирак!

Мутахассис. Мумкин бўлса, мен анови гултувақларни олсам?²⁷

Раҳбар ходимнинг давлат мулкани беҳуда сарфлаши, ўз манфаати йўлида ишлатиши муаммоси Ҳалдун Танер драмасида ҳам акс этган. Бош қахрамон Шабан консерваторияда учратиб, ёктириб қолган бир балетчи қизнинг илтимоси билан қизни бутун гуруҳи билан Парижга давлат ҳисобидан гастролга ноўрин юборади. Лавозимининг оширилишини сўраб ариза ёзганларга нисбатан ишига қараб эмас, шахсига қараб қарор чиқаради. Беҳудага ҳар бир ҳайкални чироқлар билан ёриттириб, олдида мусиқа қўйдиради, эски Рим империясидан қолган Аясофья ибодатхонасининг ичига кераксиз ўзгаришлар киритишга рози бўлади.

Эркин Аъзам ва Ҳалдун Танер ўз драмаларида бир хил муаммоларни кўтарадилар, жамиятни олдинга етаклаш

²⁵ Taner, Haldun, VatanKurtaranŞaban, İstanbul, BilgiYaymevi, 1989, s.96.

²⁶ Аъзам, Эркин, Фаррош кампирнинг туши, «Ёшлик» журналы 2011 йил, 10-сон, 16-б.

²⁷ Аъзам, Эркин, Фаррош кампирнинг туши, «Ёшлик» журналы 2011 йил, 10-сон, 27-б.



ўрнига, ривожланишига тўсқинлик килаётган баъзи раҳбар ходимларнинг номутахассислиги, шахсий манфаатини давлат манфаатидан юқори кўйишини коралайдилар:

Акахон. Хув, лавозимга тайинланаётганингизда берилган маслаҳатлар эсдан чиқибди-да, а?

Раҳбар Раҳбарович. Йўқ, йўқ, ҳаммаси, ҳаммагинаси ёдимда! Ёзиб ҳам кўйганман. *(Олдидаги блокнотни варақлаб, ўқимоққа тутинади.)* Мана. Биринчиси: “Ҳеч қачон кўл остидаги ходимларга йўл-йўлакай, кўча-кўйда топшириқ ёки танбех берилмайди. Бир оғиз гап бўлса ҳам, албатта, кабинетга чакириб айтилади. Мансаб курсисининг сеҳр-салобати бўлакча!” Тўғрими?

Акахон. Иккинчисига ўтинг.

Раҳбар Раҳбарович. Иккинчи пункт: “Эрталаб ишга келганда даставвал бир арақ қоғоз олиб, бугун бажариладиган юмушлар рўйхат қилинади. Рўйхатнинг бошида, албатта, шахсий масалалар турсин. Давлат ишлари ўз-ўзидан бўлаверади”.

Акахон. Ўчиринг! Ҳозироқ ўчириб ташланг! Калла борми, мен бунисини кулоғингизга айтган эдим-ку, ахир! Ўчирдингизми?

Раҳбар Раҳбарович. Ўчирдим, ўчирдим. Қоп-қора қилиб бўяб ташладим! Жума куни келганингизда ўзингизга ҳам кўрсатаман.²⁸

“Ватанни қутқарган Шабан” асарида нафақат бош қаҳрамон, балки бошқа раҳбар ҳам ўз мутахассислигига мос фаолият юритмаётгани кўрсатилади:

ŞABAN — Demek siz prodüktörsünüz.

PRODÜKTÖR — Evet.

ŞABAN — Anadan doğma bu işi yapmadınız ya. Herhalde s onradan girdiniz.

PRODÜKTÖR — Ben gardiyandım Toptaş Hapishanesinde. Esrar kaçırmaktan yükümü tutmuştum biraz. Filim işinde para var dediler. Eh memleket kültüründe bizim de tuzumuz bulunsun dedik.

ŞABAN — Himmetiniz var olsun. (Mısta'ya) Yahu desene ipini koparan soluğu filim plantonunda alıyor.²⁹

Қуйидаги парчада Шабаннинг иш вақтида ширакайф бўлиб ўтиргани акс этган:

MISTA — Kapıda dört müdür sizi bekliyor maruzatları varmış. Devlet Tiyatrosu İdare Müdürü, Müzeler Müdürü, Kütüphaneler Müdürü, Riyaseti Cumhuriyet Orkestrası Şefi.

ŞABAN — Şimdi kabul edemem. Çok yorgunum, sür-menaj oldum.

MISTA — Çok acil diyorlar.

ŞABAN — Kardeşim kabul edecek halde değilim. Maarif Vekili bey ısrar ettiler. Şarabı da biraz fazla kaçırdım yemekte.³⁰

Шу аҳволда қабулига кирган раҳбарларни қабул қилиб, уларга берадиган топшириқларнинг барини аралаштириб юборади.

Ҳалдун Танер ва Эркин Аъзам асарлари тилида ҳам муштаракликлар кўп. Хусусан, иккала ёзувчи ҳам киноядан жуда кенг фойдаланган. Буни драмаларининг сарлавҳасидан, қаҳрамонлар исмидан ҳам кўришимиз мумкин.

Эркин Аъзам ва Ҳалдун Танер пьесаларида варваризмлар қаҳрамон характерида хос жиҳатларни ёритиш баробарида кўпроқ юмористик пафос учун хизмат қилган.

Ёзувчилар чет сўзлардаги товушларни ўзгартириш ёки товуш тушириш йўли билан ҳам қаҳрамон дунёқарашини, воқеликка муносабатини ифодалайди:

ŞABAN: Tövbeler tövbesi get ağzını yıka Mısta Bey. Rezaletin daniskası. Gomünistlerin marifeti o. Atatürk ki gomünizmi nerde görseniz ezeceksiniz diye ferman buyurmuşlar. Şimdi kalkmış Atatürk'ü kendilerine reklam idiyorlar. Dinsiz imansızlar!³¹

²⁹ Taner, Haldun, VatanKurtaranŞaban, İstanbul, BilgiYayınevi, 1989, s.71.

³⁰ Taner, Haldun, VatanKurtaranŞaban, İstanbul, BilgiYayınevi, 1989, s.88.

³¹ Taner, Haldun, VatanKurtaranŞaban, İstanbul, BilgiYayınevi, 1989, s.146.

²⁸ Аъзам, Эркин, Фаррош кампирнинг туши, «Ёшлик» журнали 2011 йил, 10-сон, 13-б.



Э.Аъзам асарида эса:

Бош мутахассис(далда берган каби). Хотиржам бўлаверинг, оқсоқол, у ёғини ўзимиз тинчитамиз! (Четга бурилиб) Бехуда зўри– миён мешиканад.

Барча ён-вериди, беморни кузатиб чиқа бошлайди.

Ҳисобчи(чинқириб). Дўхтирга телефон қилиш керак, дўхтирга! Гули-и!.. (Диван тарафга қараб). Турсанг-чи, ҳей текинхўр!³²

Бош мутахассис(ниҳоят, ўйиндан бош кўтариб). Очик-ошкора ишлаш услуби шундай бўлади, мухтарам хонимлар! Демократия дейди бунди. Европада, бутун очик, эркин жамиятларда шундай. Ҳамма ва ҳаммаси– раҳбарнинг кўз ўнгида!.. (У иқтисодчи хонимга маънодор кўз қисиб қўяди.)

Иқтисодчи. Опен-спейс! Ҳайҳот кўчадек бир гап!

Ҳисобчи. Раҳбарнинг ўзи-чи? У кимга ҳисоб беради?

Бош мутахассис. Ҳисобчига бўлса керак-да!³³

Фаррош кампир. Қуриб кетсин, ўзимнинг номимга ўтай десам, пенса ўлгурнинг қоқ ярмини кесади... Ҳаммасига ўлгур ўша зикна буғалтир айбдор!³⁴

Эркин Аъзам ҳам, Ҳалдун Танер ҳам драмаларида услубий мақсадда, ўз қахрамонлари феъл-атворидаги камчиликлар, маънавий-ахлоқий савиясининг қашшоқлиги, айна бир вақтда руҳий ҳолатини очиб бериш учун лексик воситалар сифатида воқеланадиган вульгаризмлардан моҳирона фойдаланган.

Фаррош кампир. Эсиз жоним! Берадигани– чўзиб-чўзиб тўрт танга, шундан шунга сарсон бўлиб келаман-а! Қурғур, келиб-кегишимга етса ҳам кошки эди!... “Анув ўлгур зикнага тайинлаб қўйдингизми, ўргилай? Раҳмат, раҳмат, умрингиздан барака топинг, илойим!” “Мумкин эмас, mumkin эмас!” Мегажин!

Сенга mumkin! Ўзгинангга mumkin! Асомова Дилнавоз... ие, Қумри шўрликка келганда– тақа-тақ! Ер ютгур, адогина бўлгур!³⁵

Ҳалдун Танер асарида эса:

PRODÜKTÖR - Dedikodu yazar, dergilere gazetelere. Nebahat Bi Behre'nin otomobilini kim hediye etti biliyor mu idiniz? Hikmet Afakan şimdiye kadar kaç bakirenin kanına girdi ve halen kaç karısına nafaka veriyor biliyor musunuz? Selma Korkoron'un üç evlilikten sonra hâlâ kız oğlan kız bakire olduğunu biliyor mu idiniz?³⁶

PRODÜKTÖR — Yok beyim. Ben melodram yapıyorum. Kesme de dinle. Ne diyordum. Menşur aktör yok. Kavga göbek yok, seks yok. Münekkitler homurdandı, halk ıslıklamaya hazırlandı.³⁷

Ушбу вульгаризмлар персонажнинг характерини ёритиш баробарида айна вазиятдаги руҳий ҳолатини ҳам ёрқин ифода этади.

Иккала драматург ҳам халқда кенг тарқалган мақоллардан унумли фойдаланади, умумтил ибораларни бадиий нутққа олиб кириш билан кифояланиб қолмайди, балки уларни қахрамонлар табиати, руҳий ҳолати, турмуш тарзига мослаб ўзгартиради. Уларга янгича маъно нозиклари юклаб, асарларининг бадиий эстетик ва лингвопоэтик салмоғини оширишга эришади. Уларнинг ўзига хос юмористик баён услуби, кинояли тили, кутилмаган бадиий ечимларга эғалиги билан ажралиб туради. Ҳалдун Танернинг “Ватанни қутқарган Шабан” ва Эркин Аъзамнинг “Фаррош кампирнинг туши” асарлари трагикомедия жанрига мансуб бўлиб, турк драмаси бош қахрамон Шабаннинг лавозимдан олиниши, ўзбек драмаси эса, бошқаруви нотўғри бўлгани туфайли муассасанинг пароканда бўлиши билан тугайди.

Хулоса қилиб, шуни айтиш mumkinки, ўзбек ва турк адабиётида акс

³²Аъзам, Эркин, Фаррош кампирнинг туши, «Ёшлик» журнали 2011 йил, 10-сон, 25-б.

³³Аъзам, Эркин, Фаррош кампирнинг туши, «Ёшлик» журнали 2011 йил, 10-сон, 24-б.

³⁴Аъзам, Эркин, Фаррош кампирнинг туши, «Ёшлик» журнали 2011 йил, 10-сон, 27-б.

³⁵Аъзам, Эркин, Фаррош кампирнинг туши, «Ёшлик» журнали 2011 йил, 10-сон, 27-б.

³⁶Taner, Haldun, VatanKurtaranŞaban, İstanbul, BilgiYayınevi, 1989, s.72.

³⁷Taner, Haldun, VatanKurtaranŞaban, İstanbul, BilgiYayınevi, 1989, s.74.



этган турли мавзулар, кўтарилган ижтимоий муаммолар, инсон қалбидаги кечинмалар, халқ ҳаётидаги ижтимоий-маданий жараёнлар иккала миллатда ҳам муштаракдир. Чунки иккала халқ маданияти, санъати ва адабиёти бири-бирига яқинлиги билан ажралиб туради. Хусусан, Халдун Танернинг “Ватанни кутқарган Шабан” ва Эркин Аъзамнинг “Фаррош кампирнинг туши” номли драматик асарларидаги образлар ва сюжет тасвиридаги ўхшашлик ҳам бунинг яққол мисоли бўла олади. Таҳлилга тортилган драмалардаги қахрамонларнинг тақдири, ўй-фикрлари, вазият-ҳолатидаги

умумийликлар қиёсланиши натижасида иккала халқ адабиётидаги муштарак жиҳатлар тадқиқ этилди. Драматурглар услубидаги ўзига хосликларнинг яқинлиги ҳам кашф этилди.

Жумладан, бугунги кунда иккала халқнинг дўстона муносабатлари, адабий алоқалари кенгайиб бормоқда. Бу борада келажакда адабий алоқаларни янада кенгайтириш мақсадида ижодкорлар асарларини кенг тарғиб этиш, муштарак жиҳатларини ўрганиш муҳим аҳамият касб этади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Miyasoğlu, Mustafa, (1988), Haldun Taner, Kültür Bakanlığı Yayınları, Ankara.
2. Taner, Demet, (1996), Canlar Ölesi Değil, Sel Yay., İstanbul.
3. Taner, Haldun, VatanKurtaranŞaban, İstanbul, BilgiYayınevi, 1989.
4. Tulu, Anil.Haldun Taner'in Vatan Kurtaran Şaban Adlı Kabare Oyunu ve Epik Tiyatro. Yüklis.tezi.İstanbul Kültür Üniversitesi Sosyal Bilimler Enstitüsü. İstanbul-2017.
5. Yalçın, Sıddıka Dilek, (1995), Haldun Taner'in Hikâyeleri ve Hikâyeciliği, Bilgi Yayınevi, Ankara.
6. Yüksel, Ayşegül “Haldun Taner Tiyatrosu”, İstanbul, Bilgi Yayınevi,1986.
7. Аъзам, Эркин, Фаррош кампирнинг туши, «Ёшлик» журналі 2011 йил, 10-сон.
8. Йўлдошев Қ. Ёниқ сўз. –Т.: “Янги аср авлоди”. 2006.
9. Прушковская И.В. История развития турецкой авторской драмы (Республикан-ский период до 1980 г.), Киевский национальный университет имени Тараса Шевченко, 2014.

Каюмова М. Стилистические особенности в драмах Халдуна Танера и Эркина Азама. В статье дается сравнительный анализ драматических произведений выдающихся деятелей современной турецкой и узбекской литературы Халдуна Танера и Эркина Азама. Дана краткая информация о творческом пути писателей, раскрывающий их мастерство в драматическом жанре при анализе их произведений. Драма «Шабан, спасший родину» (“Vatan Kurtaran Şaban”) Халдуна Танера исследована в сопоставлении с драмой Эркина Азама «Сон уборщицы» (“Фаррош кампирнинг туши”) и показаны их общие черты. Предметом исследования служит образный мир в драмах, черты характера персонажей, сходства и различия в сюжетных событиях.

Kayumova M. Stylistic peculiarities in the dramas by Khaldun Taner and Erkin Azam. This article provides a comparative analysis of the dramas by Haldun Taner and Erkin Azam, prominent figures of modern Turkish and Uzbek literature. A brief account of the writers' creative path was also given, revealing their mastery in the drama genre in the analysis of their works. Khaldun Taner's "Shaban who saved the homeland" ("Vatan Kurtaran Şaban") was compared to Erkin Azam's drama "Cleaning lady's dream" ("Фаррош кампирнинг туши") and summarized their common features. The world of images in dramatic works, the characteristics of the characters, the similarities and differences in the events of the time and the plot were studied.